

# Qishloq hayoti

2007 YIL 5 OKTYABR, JUMA 120 (7269) - son

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

1974 yil 1 yanvardan  
chiqa boshlagan

Ўзбекистон  
1991-2007  
йилларда

Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот 1990  
йилга нисбатан 1,3 баробар ошди. Ҳолбуки,  
Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги  
мамлакатларининг аксариятида бу  
кўрсаткич ҳанузгача ислохотлар бошланган  
даврдаги даражага ҳам етгани йўқ.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2007 йилнинг 1 октябридан муддатли ҳарбий хизматини ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг лавозим масофалари миқдорларини ошириш тўғрисида" ги Фармони эълон қилинди.

Ўз фаолиятини замонавий талаблар асосида тақомиллаштириб, сайёҳларни жалб этаётган "Бухоро-Палас" меҳмонхонаси "Ўзбектуризм" тизимидаги "Йилнинг энг яхши отели" деб топилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурталашнинг ҳуқуқий асослари: амалиёт ва муаммолар" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ижтимоий-иқтисодий тадқиқотлар марказида Ўзбекистон банк-молия тизимида ислохотлари янада чуқурлаштириш мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Ўзбек Илмий академик драма театрида Қозоғистоннинг Мухтор Азиев номидаги давлат академик драма театрининг ижодий сафари бошланди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Умумий ва ноорганик кимё институтидан минерал хом ашёларни қайта ишлашга йўналтирилган юқори технологияларни яратиш ва улардан оқилона фойдаланиш масалалари бағишланган республика илмий-техникавий анжумани очилди.

Ўзбекистон давлат университетида "Муқобил энергетика ва энергияни тежаш муаммолари" мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

Ўзбекистон давлат университетида "Муқобил энергетика ва энергияни тежаш муаммолари" мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

Ўзбекистон давлат университетида "Муқобил энергетика ва энергияни тежаш муаммолари" мавзусида анжуман бўлиб ўтди.



Замин фидойилари

## Тупроғи олтинга тенг юртим бор

Республикамиз Президентини Ислам Каримов Жиззах вилоятига ташриф буюрганларида биз фермерлар билан дилдан суҳбатладим. Мен ушбу суҳбатда эришяётган ютуқларимиз ҳақида

Юртбошимизга ҳам гапириб бердим. Чунки истиқлол шарофати билан зарур соҳалар мутахассислари қишлоқнинг ўзидан етишиб чиқаяпти.

Биз мамлакатимизда юртимиз таракқийини, ҳалқимиз, айниқса, ёш авлод келажагини ўйлаб амалга оширишда улғур ишларга бир мисол. Бундай залворли ютуқларни барча соҳаларда кўриб, ана шу хайрли юмушларнинг фаол иштирокчилари бўлаётганимиздан жуда фахрланамиз. Айниқса, Юртбошимиз

миз қишлоқ ҳўжалиги тасарруфидоги ерлар ҳақида дилимиздаги сўзни айтди.

Шу ўринда айрим хориж давлатларидаги ер муаммоси ҳақида тўхталиб ўтсам. Деҳқончилик таракқий этган Голландия мамлакатида одамлар тупроқни денгиздан "тортиб" олиб, экин экишаркан. Улар денгизнинг киргоққа яқин қисмида сув ичида баланд тўсиқлар барпо этиб, сувни насослар ёрдамида тўсиқ-

Парда ЗИЁДОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис Сенаи аъзоси, Жиззах туманидаги "Қуёшев" фермер ҳўжалиги раҳбари.

нинг нариги томонига — денгизга ташлашаркан-да, бу томонда очилган ерга уруғ экишаркан. Японлар ер танқислигидан тупроқни баланд иморатлар устига ташиб чиқариб, деҳқончилик қилишаркан. Бизда эса Аллоҳнинг иродаси билан экин-тикин учун бундай қийинчиликлар йўқ.

(Давоми 2-саҳифада)

## "Пахта Банк"ка — Халқаро рейтинг



2007 йил 1 октябрь кунини акциядорлик-тижорат "Пахта Банк" Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари ичида биринчи бўлиб Fitch Ratings халқаро рейтинг компаниясининг тўлиқ халқаро рейтингини олишига муваффақ бўлди.

Fitch Ratings халқаро рейтинг компанияси "Пахта Банк"ка қуйидаги рейтингларни берди: "В" эмитент дефолтининг узоқ муддатли рейтингини ("ЭДР"), прогноз "Барқарор", "В" қисқа муддатли ЭДР, "D/E" шахсий рейтингини, "5" қўллаб-қувватлаш рейтингини ҳамда "В" узоқ муддатли ЭДР қўллаб-қувватлаш рейтингини.

"Пахта Банк"ка инвестиция даражасининг халқаро рейтингини берилиши хорижий сармояларни жалб этиш, халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда чуқурлаштириш юзасидан янги имкониятларни очди.

"Пахта Банк" матбуот хизмати

Яқинда Ўзбекистон ФА ташаббуси билан ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси, Сидней университети, "Росзарубежцентр" ҳамкорлигида Қорақалпоғистон Республикасида халқаро илмий-амалий симпозиум бўлиб ўтди.

## Халқаро илмий анжуман

Унда Россия, Қозоғистон, Германия, Франция, АҚШ, Англия, Австралия давлатларидан келган олимлар қадимий Хоразм давлатчилиги, халқимиз тарихи, маданиятининг жажон цивилизациясига қўшган бекиёс хиссаси хусусида илмий маърузалар қилишди. Анжуман иштирокчилари Беруний туманидаги 40 гектар майдонини эгаллаган "Ақчахонқалъа" — Тошхирмон" обидасидан топишган ноёб экспонатлар билан танишишди. Аёзқалъа ва Гулдурсунқалъа ёдгорлиқларини бориб кўришди.

Абдурахмон ИСКАНДАРОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

Тошкентда 4 октябрь кунини Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (ЎзЛиДeП) Сиёсий кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда партия Сиёсий кенгаши, парламентдаги фракцияси аъзолари, мазкур партиянинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлари ва фаоллари иштирок этди.

## ЎзЛиДeП Сиёсий кенгаши мажлиси

Мажлисида партиянинг Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловида иштирок этиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Унда сўзга чиққанлар 2007 йилнинг 23 декабрида ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларни янада чуқурлаштиришда улкан аҳамиятга эга бўлган муҳим сиёсий воқеа эканини таъкидладилар.

Ушбу партия ташкил этилганидан буён ўтган қисқа вақт мобайнида ўз дастурий макссадларини ҳаётга изчил татбиқ эта бориб, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, мамлакатни демократик янгилашда ҳаракатлантирувчи куч бўлган тadbиркорлар, ишбилармонлар ҳамда фермерларни бирлаштирувчи, уларнинг манфаатларини амалда ифода этувчи сиёсий кучга айналди.

Партия Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш тўғрисида қарор қабул қилар экан, бунда мамлакатимизда барқарорлик, тинчлик ва фаровонликни таъминлаш, иқтисодий, давлат ва жамият қурилиши, қўли фуқаролик жамиятини шакллантириш соҳаларини янада эркинлаштириш ҳамда демократлаштириш борасида бошланган кенг қўламли ислохотларни изчил давом эттиришда фаол қатнашиш заруратидан келиб чиқди.

Мажлисида, шунингдек, 2007 йилнинг ноябрь ойи бошида партиянинг навбатдаги съездини чакориш ва Ислам Абдуганиевич Каримов номзодини Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидаги Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сифатида кўрсатиш учун съезд муҳокамасига қўйиш ҳақида қарор қабул қилинди.

(ЎзА)

## Ғалламиз мўл, ризқимиз тўқин

Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон ўз ғалласига, ўз нонига эга бўлди

- 1991 йил республикамиз бўйича 940 минг тонна ғалла йиғиб олинган.
- 2007 йилда деҳқонларимиз 6 миллион 250 минг тонналик ғалла хирмонини бунёд этдилар.
- 1989 йилда республика бўйича ҳосилдорлик гектарига ўртача 11,9 центнерни ташкил этган.
- 2007 йилда ҳосилдорлик гектарига 48 центнерга етди.
- 1989 йилда Ўзбекистон аҳолиси жон бошига етиштирилган дон 35,1 килограммин ташкил этган.
- 2007 йилда бу кўрсаткич 238,8 килограммга етди.
- 1991 йилда 221 минг гектар майдонда бошоқли дон етиштирилган.
- 2007 йилда фермер ҳўжаликлари жами 1286 минг гектар майдонда бошоқли дон етиштирдилар.

Бугунги кунимизга шўқро-налар айтганимиз: юртимиз тинч, дастурхонларимиз неъматлар шоҳи нон билан тўлиб-тошган. Бу мустақиллик шарофати, Юртбошимизнинг бу соҳада олиб бораётган изчил сиёсати самараси.

Қўпчиликнинг ёдида бўлса керак, мустақиллигимизнинг илк йилларида мамлакатимиз аҳолисини дон маҳсулотлари билан таъминлаш, одамларга оддий нон етказиб бериш ҳам анча муаммага айланган эди.

Эндиликда Ўзбекистон ғалла мустақиллигига эришди. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, "Яратганга минг бор шўқри, ўз донимизга, ўз беминнат нонимизга эга бўлган шу кунларга ҳам етиб келдик".

Албатта, бунга осонлик билан эришилмади. Чунки собиқ СССР даврида Ўзбекистоннинг ғалла ва ўн маҳсулотлари бўлган ички эhtiёжнинг 80 фоизи четдан келтириларди. Собиқ тузум завола-юз тутган, ўз мустақиллигини қўлга киритган республикамиз олдида эҳди билан ҳал қилиниши лозим бўлган энг кескин муаммолардан бири ғалла мустақиллигига эришиш эди. Бироқ фақатгина ниятнинг ўзи қифоя қилмасди. Чунки собиқ мустабид тузум биздан фақат пахта хом ашёси етиштириб беришни талаб қилганлиги учун узоқ йиллар давомида республикамиз деҳқончилиги бир томонлама — пахтачилик бўйича ривожланган эди.

Дон етиштириш бўйича тажриба айтири йўқ бўлиб, суви ерларда ғалла ҳосилдорлиги 19-22 центнер эди, холос.

Оқибатда, мустақиллигимизнинг илк йилларида ғаллани сотиб олишга тўғри келди.

Бу жуда катта маблагни талаб қиларди. Қолаверса, ғалла сотувчи айрим давлатлар эса уларнинг сиёсий манфаатларини ҳам орага чиқаришга уринарди.

Ўз дони, ўз нонига эга бўлмаган, ғалла мустақиллигига эришмаган давлатда

иқтисодий мустақилликни таъминлаш мушкул эканлиги ўша кезлар яққол намоён бўлган эди. Шунинг учун Юртбошимиз "Токи ғалла мустақиллигига эришмас эканмиз, иқтисодий мустақиллик ҳақида гапириш ортқича" деб бежиз айтмаган эди.

Агар 1991 йилда республика далаларида 940 минг тонна дон етиштирилган бўлса, жорий йилда деҳқонларимиз 6 миллион 250 минг тоннадан зиёд ғалла хирмонини бунёд қилишга эришдилар.

Ғаллакорларимиз эришган бу меҳнат ютуқлари аҳолини нафақат дон маҳсулотлари билан таъминлаш, балки айна вақтда шунинг хисобидан даромад топиш имкониятларини яратди.

Дон мустақиллиги дастурий изчиллик билан босқич-босқич амалга ошириш эвазига бугунги кунда мамлакатимиз аҳолиси дон ва дон маҳсулотлари билан барқарор таъминланди.

Ғалла мустақиллигига эришишда деҳқонларимизни ғалла етиштиришга ургатиб, бу соҳадаги моддий манфаатдорлик юқори даражага қўйилганлиги ютуқларнинг бош омил бўлди десак янглишмаган бўламиз.

— Жорий йилда 14 гектар

ерга ғалла экан эдик, — дейди Учқўприк туманидаги "Маҳмуд али деҳқон" фермер ҳўжалиги раҳбари Тоҳиржон Юлчибоев. — Хар гектардан 60 центнердан хирмон кўтардик. Ғаллачиликдан 3,5 миллион сўм соф даромад олдик. Давлатга сотганимиздан ташқари ўзимизга 36 тонна дон қолди. Хатто, маҳалламизда истиқомат қилаётган кам таъминланган оилаларга ҳам 2 тоннадан бугдой таркатдик.

Ха, режадан зиёд етиштирилган донни деҳқоннинг ўзига қолдиришнинг аҳамияти доно йўл бўлганлиги учун ғалла ҳосилдорлиги ва деҳқоннинг манфаатдорлиги йилдан-йилга ортиб бораётганлигига муҳим боғлиқлик бор. Масалан, республикамиз бўйича сугорилган ерларда ғалла ҳосилдорлиги 1992 йилда 23,5 центнерни ташкил этган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич гектарига 48 центнерга етди ва бу ўтган йилга нисбатан ҳам 4 фоизга ўсди.

Ғаллачиликнинг ривожини қадар тезлаштиришга соҳа-хўжалиқ ери сунуш қўлбали билан таъминлангани, донни саралаш, тозалаш ва қайта ишлашда замонавий технологияларнинг жорий қилинганлиги ҳам катта омил бўлди десак янглишмаган бўламиз.

Айниқса, ғалла уруқчилиги-га жиддий эътибор берилди. Ўз иқлимимизга мос, эртапишар, мўл ҳосил берувчи янги навлар яратилишига эса Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг "Сугорилган ерларда ғалла ва дук-качки ўсимликлари илмий-тадқиқот институтини ташкил этиш тўғрисида" ги қарори катта замин яратди.

Республикамизда ҳосилдорлигининг йилдан-йилга кўтарилиши замирида эса ўша қарордан кейин уруқчилик ва селекция ишларининг пухта ташкил этилганлиги турбилди. Андиҳонда ташкил этилган ушбу илмий даргоҳнинг олимлари томонидан шу вақтгача эртапишар ва серҳосил "Чиллак", "Андижон-1", "Андижон-2", "Бобур", "Дурдона", "Қаҳрабон", "Садаф" каби ўнлаб янги бугдой навлари яратилди.

(Давоми 2-саҳифада)

## ОБУНА — 2008

"Қишлоқ ҳаёти" ва унинг иловаси "Ҳаёт" газеталарини йил давомида мунтазам ўқиб боришни истайсизми? Мамлакатимизда ва дунёда рўй бераётган воқеалардан, ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳалардаги ўзгаришлардан хабардор бўлиб, маданий-маърифий мавзулардаги мақолалар, фалсафий фикрлар билан йўғрилган бадиий асарларни мутлоқ қилишни хоҳлайсизми? Унда 2008 йил учун газеталаримизга обуна бўлишга шойилинг!

"Ўзбекистон почтаси", "Матбуот тарқатувчи" идоралари ва бошқа ташкилотлар обунани расмийлаштиришмоқда. Тахририятнинг ўзида ҳамда газетанинг Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардаги мухбирлари орқали шартнома асосида ҳам обуна бўлиш мумкин. 144-индекс бўйича "Қишлоқ ҳаёти" ва "Ҳаёт" газеталарига бир йўла, 145-индекс бўйича эса "Ҳаёт" газетасининг ўзига обуна расмийлаштирилаяпти.



## Оқғул Ғолибдилька даъвогар

Тошкент теннис марказида давом этаётган Хотин-қизлар теннис уюшмаси (ИТА) таснифига киритилган "Тошкент опен" халқаро теннис турнирининг иккинчи босқич беллашувлари кескин ва муросасиз курашлар билан ўтмоқда.

Ҳамюртимиз Оқғул Омонмуродова бош совринга даъвогарлар сафидан жой олди. Биринчи босқичда ҳечяйлик таниқли ракетка устаси Хана Сромова-ни енган ҳамюртимиз навбатдаги учрашувда турнирнинг еттинчи рақамда сараланган ракеткачиси Ольга Пучковага (Россия) қарши қорғта чиқиб, 6:3, 6:4 ҳисобида ғалаба қозонди ва чорак финалга йўланма олди.

Қирғизистонлик Ксения Палкина ва ҳамюртимиз Влада Экишбарова ўртасидаги беллашувда ёш теннисчимиз тажрибали рақибасига муносиб қаршилик кўрсатган бўлса-да, қирғизистонлик спортчининг устулигини тан олишга мажбур бўлди.

Жуфтликлар ўртасидаги беллашуларда ярим финалга йўланма олган дастлабки теннисчилар аниқланди. Буюк Бри-

таниядан келган Кати О'Брайан билан ҳамкорликда ўйнаётган ҳамюртимиз Оқғул Омонмуродова чорак финалда Фарбий Европа вакиллари — италиялик Алберта Брианти ва германиялик Жюлия Шруффага қарши қорғта чиқди.

Мазкур беллашувнинг биринчи сентида рақибаларига 1:4 ҳисобида ютказётган европалик теннисчилар жуфтлиги ўйинни давом эттирилмаслигини билдирди.

"Тошкент опен" халқаро теннис турнирининг ғолиб ва совриндорлар 7 октябрь кунини аниқланади.

(ЎзА)





# Бугунги кунда юртимизда фермер хўжаликлари қишлоқ ҳаёти истиқболини таъминловчи асосий кучга айланди



## Тупроғи олтинга тенг юртим бор

(Боши 1-саҳифада)  
Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг самараси ўлароқ, фермерларнинг мулкка, ерга бўлган муносабати тубдан ўзгариб, масъулият, ишонч кучайди. Эркинлик ва пировард натижада манфаатдорлик ҳисси қишлоқ мулкдорларини янада омилкорлик билан меҳнат қилишга ундаб келмоқда.

2003 йилдан бунён фаолият кўрсатаётган фермер хўжалигимиз аъзолари эришаётган ютуқлар чакки эмас. Ўтган йили пахтачилик ва галлчиликдан 26 миллион сўм соф фойда олишга эришдик. Бу йил ана шу миқдори 30 миллион сўмдан оширишни мўлжаллаб турибмиз. Пахта йигим-теримини ушшоққилик билан бошлаб, бугун давлатга пахта сотиш режасини бажариш арафасидамиз.

Мен Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология кўмитаси аъзоси сифатида ҳам ер, тупроқ, сув, экология ва умуман аграр соҳадаги муаммоларни бартараф этиш бўйича ўз тақлиф ҳамда мулоҳазаларини Сенат мажлисларига олиб чиқяпман. Ўтган йили Жиззах вилоятида ушбу кўмита ташкил этган "Айдар – Арнасой кўлларида самарали фойдаланиш – экологик барқарор тараққиёт га рови" мавзудаги давра суҳбати Айдар – Арнасой кўлларида сув ва балик ресурсларидан, шунингдек, экотуризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш масалаларига бағишланганди. Майдон 2175 квадрат километрли ташкил этилган Айдар – Арнасой кўллари тизими Арнасой, Айдар, Тўзқон кўллариининг қўшилиб кетиши натижасида вуқудга келган. У экотизмини шакллантиришда катта роль ўйнамоқда ва ушбу минтақанинг иқтисодий ҳаётида муҳим ўринга эга. Кўллариининг соҳил бўйлари ёввойи ўрдак ва гозлар учун уялаш жойига айланди. Қамишзор ва тўқайзорлар қўллаб қирғовул, тўнгиз ҳамда бошқа ҳайвон ва паррандалар пайдо бўлиши учун қулай муҳит бўлиб хизмат қилди.

Хулоса шунки, ерни боксанг, ер ҳам сени бокади. Сувни эъзозласанг, барака топади. Бу бор ҳақиқат. Шундай экан, ер, сув биз учун азиз ва эъзозли бўлмоғи лозим.

Сардоба тумани ерларининг анчагина қисми шўрланганлиги боис яхши ҳосил олиш учун кўп меҳнат ва ҳаражат қилишга тўғри келади. Лекин сардобалик фермерлар ҳам бундан келишаётгани йўқ. Ер эгасини топганлиги, ерга бўлган муносабат ўзгарганлиги боис ўтган йили туман пахта сотиш шартномавий режасини бажарди. Бу йил ҳам далаларда мўл ҳосил етиштирилган. Айни кунларда пахтазорларда ҳосилни нес-нобуд қилмай териб олиш учун кураш қизгин давом этаётпти.

Шундай долзарб пайтларда Сирдарё вилоятига, хусусан, Сардоба туманига Ўртбошимиз ташрифидан, фермерлар билан суҳбатидан, эътиборидан сардобаликларининг



Шукрона

яхши ҳосил етиштиридик.

– Ўртбошимиз билан суҳбат чоғида кўнглингиздан қандай хис-туйғулар келди?

– Албатта, қалбим қувончга тўлди. Давлат раҳбарининг деҳқонларга бўлган эътиборидан фахрландим. Ўртбошимиз оиланинг ҳаёти, олган даромад билан қизиқдилар, ака-укалар, қариндош-уруғлар билан маслаҳатлашиб, фермер хўжаликларини

## “Қалбимиз қувончга тўлди”

дейди Ўртбошимизнинг “Парда она” фермер хўжалигига ташрифидан руҳланган қишлоқ мулкдори Назарбек Ашуров

гайратларига гайрат қўшилди. Тумандаги 650 нафар фермерлар юртимиз фаровонлиги йўлида ҳорай-толмай меҳнат қилишмоқда. “Парда она” фермер хўжалигининг раҳбари Назарбек Ашуров ана шундай мулкдорларнинг бири.

– 1971 йилдан бери шу далада ишлаб келаяпман, – дейди Назарбек Ашуров. – Илгари бригадир эдим, 2003 йили ака-укаларим билан “Парда она” фермер хўжалигини ташкил этдик. Илгиримизда 37 гектар экин майдони бор. Бу йил 13 гектар майдонда пахта, 22,2 гектарда галла етиштирдик. Галладан яхшигина даромад олдик. Давлат буюртмасини бажаргандан сўнг 20 тонна галлани уйга туширдик. Ишчиларга 2-2,5 тоннадан дон тарқатдик. Бу берилган иш ҳақидан ташқари. Пахтадан ҳам

йириқлаштириш тўғрисида ўйлаб қўришни маслаҳат бердиклар.

Яхшигина соф фойда олганим, ана шу даромад ҳисобидан лизингга олинган “ТТЗ-80-11” чопиқ тракторига эга бўлганимиз, деҳқончилик учун барча ускуналар, чизел, барона, культиватор борлиги, шароит яхши эканлиги ҳақида гапириб бердим.

– Мисол учун, илгари қандай эди-ю, ҳозир қандай?

– Уч-тўрт йил илгари минерал ўғитни 80 километр узоқликдан Янгйер шаҳридан, дизель ёқилғисини Гулистондан олар эдик. Энди ўғитни, ёқилғини даламизга етказиб беришмоқда. Уруғлик ҳам шундай, терим пуллари дала бошида тўланмоқда. Энди биздан фақат ишлаш қолади, ҳолос. 30 центнердан пахта ҳосили олдик. Фақат пахтачиликдан 5,5 миллион

сўм соф фойда олишни чамалаб турибмиз.

Фермер хўжалигининг даромади яхши бўлгандан кейин имкониятлари ҳам кўпаяр экан. “Парда она” фермер хўжалиги болалар боғчасига 1,4 миллион сўм ҳомийлик ёрдами кўрсатди. Қўли очикнинг – йўли очик, деб бекорга айтишмаган-да!

Давлатимиз раҳбарининг деҳқонларга бераётган эътибори, ғам-хўрлиги, хусусан, мелиорация ишларига янада кўпроқ маблағ ажратилиши ҳақидаги фикрлари вилоят фермерларини руҳлантириб юборди, уларга куч-қувват бағишлади.

Шомурод ХОЛМУРОДОВ, “Қишлоқ ҳаёти” муҳбири. Сирдарё вилояти

## Гурлан тумани деҳқонлари галла, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда янада фаоллик кўрсатишмоқда.

Айни пайтда туман пахтазорларида терим авжида. Кунига йиллик шартномавий режага нисбатан 4,5-4,8 фоиз миқдо-

## Гурланлик мулкдорларнинг шижоати

рида пахта тайёрланмоқда. 11750 гектар майдон ҳисобидан пахта қабул қилиш масканларига ҳар кўни 1500 тоннадан ошмиқ хом ашё топширилаётгани 1168 та фермер хўжалигига мўл ҳосил етиштирилганидан дарак бермоқда. Уларнинг 200 дан ошмиқ шартномага қўшимча хом ашё топширмоқдалар.

– 60 гектар майдонга чигит экиб, шу кўнчага шартномавий режадаги 140 ўрнига 156 тоннадан зиёд юқори навли “оқ олтин” топширдик, – дейди “Ермухаммад Махсум” фермер хўжалиги раҳбари Ёриммат ака Каримов. – Эрта баҳордан сув танқиси, ёз об-қелиб, амалдаги анча синовдан хато бўлмади. баларга таъсир натижасида пахтамиз ҳар қачонгидан да мўл бўлди. Ҳозирнинг ўзида ҳосилдорлик салкам 30 центнердан тўғри келмоқда. Махсум охиригача бу кўрсаткичининг қанчага ошишини ўзининг чамалайверинг. Мустиқиллик деҳқонга чинакамига эрк, имкон бергани шу. Ўзим эса 46 та техникамга эгаман.

Ҳа, бугунги деҳқон – мулкдор. Она замин эса ҳалол меҳнат қилгандан саховатини аямаяпти. Эшимжирон қишлоғидан кўнглимиз тоғдай кўтарилди “Вазир”га ўтамиз. “Мархабо-Дилнур” фермер хўжалиги далаларида терим авжида. 62 гектар майдон ҳисобидан 190 тонна хом ашё топширишга шартнома қилган фермернинг кўнига йиғиштириб олаётган пахтаси 20 тонналик тош босаяпти. 40 центнерлик марра эгалланмағуна сўрабти пайсатирмаймиз, дейишяпти улар.

– Ҳозиргача 130 тоннадан зиёд юқори навли пахта топширган бўлсак, шунинг 120 тоннаси уруғлик учун қабул қилинди, – дейди жамоа раҳбари, “Меҳнат шўхрати” ордени нишондори Оллоберган ака Қозоқов. – Мулкдор бўлганиндан сўнг ишининг фақат сонига эмас, сифатига ҳам эътибор бериш керак. Бу эса миллионлаб қўшимча даромад дегани.

35 йилдан ортқ вақт давомида бригадирлик қилиб, бирор мулкка эга бўлмаган деҳқоннинг бугунги кунда қўша-қўша енгил автомашинаси, ўнлаб техника воситаси борлиги Истиқлол шарофати.

Ўтган йили шу қишлоқлик Гулмат Хайтметовга Ўзбекистон Қаҳрамони унвони берилгани бежиз эмас. Унинг бу йилги нияти янада улўғ – ҳосилдорлиқни гектар бошига эзлик центнерга етказиш. Даладаги лўпчи-лўпчи чаноклар фермер орзуси рўёбга чиқишдан далолат бериб турибди.

Ҳолмурод ҚУРБОНОВ, “Қишлоқ ҳаёти” муҳбири.

Хоразм вилояти

## Тупроқ ҳам ердонки хуш кўради, у меҳр кўрсатганга хазинасини очади

Қашқадарё вилоятининг табиий ва тупроқ шароити турли хиллиги ҳар бир ҳудудга мос агротехник тадбирлар қўллашни тақозо этади. Воҳа деҳқонлари асосан тоғ олди текислик ва чўл зонасида оч тусли бўз ҳамда тақир тупроқли ерларда қишлоқ хўжалик экинларини парвариш қиладилар.

Сугориладиган ерларнинг умумий агромелиоратив ҳолати таҳлил қилингандан, 2004 йили 505,4 минг гектар майдоннинг 246,96 минг гектарини ёки 48,9 фоизини ҳосилдор ерлар ташкил қилган бўлса, жорий йилга келиб бу кўрсаткич 50,6 фоизга ошди.

Сугориладиган ерларда ер ости сизот сувларининг жойлашиш сатҳи чуқурлиги 3063 та кузатув кудуқлари ёрдамида мунтазам равишда назорат қилиб борилади. Маълумотларнинг кўрсатишича, сизот сувларининг минераллашу даражаси йил сайин камайиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, сизот сувлар сатҳини макбул даражада сақлаб ёки уни сунъий равишда димлаб оймаёт қамчил бўлган шартларда субириригация усули орқали қишлоқ хўжалик экинларини парваришда даврида сугоришлар сонини

## Ғалламиз мўл, ризқимиз тўқин

Мустиқиллик шарофати билан Ўзбекистон ўз ғалласига, ўз нонига эга бўлди

(Боши 1-саҳифада)

Шу билан бирга, ғаллачилик тармоғининг моддий-техник базиси ҳам йилдан-йилга мустақамлашиб боради. Бугунги кунда “Кейс”, “Нью-Холланд”, “Класс” русумли комбайнлар ғаллакорлар ихтиёрида. Шунингдек, ғаллачилик учун зарур бўлган техникаларнинг ҳам бир қисми хориждан сотиб олинди, баъзи турлари эса ўзимизнинг заводларда ишлаб чиқарилмоқда.

Ғаллакорлар эришаётган ютуқларнинг ана бир қувончли томони, бугунги кунда уларнинг ўзлари энг замонавий русумдаги комбайнларни мустиқил сотиб олмақдалар. Бу ғаллачиликдан ҳам юқори даромад олинаётганлигининг шарофатидир.

– Ўтган йили ғалланинг ўзидан олган 11 миллион сўм фойдага комбайн сотиб олдим, – дейди мингбулоқлик фермер Ҳакимжон Юсупов. – Бу йил 40 гектардаги ғаллани шу комбайн билан ўриб олдим. Ҳар йили ўрим техникасига сарфлайдиган маблағ бу йил ёнимга қолди.

Шунингдек, республикамизда ғаллачиликни минерал ўғит ва химикатлар билан таъминлаш ҳам яхши бўлиб бораёттир. Буларнинг барчаси, албатта, ҳосилдорлигини ошириб беришида кўл келмоқда.

Ғаллачиликнинг йилдан-йилга юксалиб боришида, мамлакатимизда аграр соҳада фермерчилик ҳаракатида кенг йўл берилганлиги ҳам муҳим омил бўлди. Чунки янги ер эгаллари – фермерлар имкон даражасида ҳамма нарсадан пухта фойдаланишга кам ҳарж қилиб, кўпроқ даромад олишга ҳаракат қиладилар. Яъни, имкон даражасида ердан унумли фойдаланиб, кўпроқ ҳосил олиш иштиёқида бўладилар. Масалан, бу йилги етиштирилган мўл ҳосилнинг 100 фоизи фермер хўжаликлари томонидан тайёрланганлиги бунинг яққол ёфодасидир.

– Туманимизда 500 га яқин фермерлар бугдўй эканди,

– дейди Мингбулоқ тумани фермерлар уюшмаси раиси А.Олимов. – Шулардан кўпчилиги қумлоқ ерларнинг ҳар гектаридан 60 центнердан ҳосил олди. Бу, албатта, аграр соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлган фермерларимизнинг эғалик ҳиссиёти, уларнинг меҳнатга иштиёқи ошиб, манфаатдорлик ва масъулиятлилик туйғуси кучайиб бораётганлигидан далолатдир.

Мурувватли замин эса ҳеч қачон ҳалол меҳнат қилган деҳқондан меҳрини дариг тутмайди, саховатини унга пешвоз қилади. Бу саховат, бу мурувват деҳқон меҳнати туйғали инсониятнинг ризқ-рўзига, дастурхонининг кўрқига айланади.

Бугун халқимизнинг ўз дона-ғи, ўз нонига эга бўлиши истисқол йилларида эришилган энг катта ютуқ сифатида фарланамиз. Ахир дунёда ўз ғалла мустиқилигига эришолмаётган давлатлар сони кам эмас.

Эндилкида Ўзбекистон фақатгина ўз аҳолисини дон маҳсулотлари билан таъминлаб қолмасдан, хорижга ҳам ғалла экспорт қилувчи давлатлар қаторидан ўрин олди.

Мустиқил Давлатлар Ҳамдўстлиги таркибидидаги қўшни мамлакатларга, Афғонистон, Эрон ва бошқа давлатларга ғалла ҳамда ун маҳсулотлари экспорт қилинмоқда.

Айниқса, бу йил ғаллачилик соҳасида қўлга киритилаётган натижа ўзининг кўрсаткичлари, меҳнат унмдорлиги ва ҳосилдорлик даражасининг юқорилиги билан ҳаммамизнинг қалбимизни қувончга тўлдирди.

Бугун қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи кўпчилик деҳқонларнинг уйда камидан 500 килограмм – бир тонна бугдўй бор. Омборда дони бор инсоннинг кўнгли тўқ, дастурхони тўқин бўлади. Бу ҳам ўзбек халқининг омади, бахти. Чунки бу йил жаҳоннинг қўпгина мамлакатларида табиий офатлар туйғали кўрсоқчилик, сув тошқинлари ва бошқа сабаблар туйғали

ғалла танқислиги юзага келди. Масалан, 2007 йил мавсум охирига келиб, дунё бугдўй заҳиралари яқин 30 йил ичиндаги энг паст даражага тушиб қолган. Натижада, жаҳоннинг қўпгина давлатларида бугдўй нархи кескин кўтарилиб кетди. Жумладан, АҚШда йил бошида бир тонна бугдўй нархи 185,9 АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, 28 август ҳолатига келиб 287,1 АҚШ долларига етди. Европа Иттифоқида бир тонна бугдўй нархи йил бошига нисбатан 64,3 фоизга ўсган. Жумладан, Германияда жорий йилнинг 28 август ҳолатига келиб бир тонна бугдўй нархи 331,8 АҚШ долларини қилиб баҳоланган.

Ўзбекистонда эса йил бошида бир тонна бугдўй 87,3 АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, 28 август ҳолатига келиб 102,1 АҚШ долларига кўтарилди ва йил бошига нисбатан атиги 17 фоизга ўсди.

Мамлакатимизда имкон даражасида ғалла ва ғалла маҳсулотларининг нархини барқарор сақлашга ҳаракат қилинаёттир. Масалан, 2007 йил 1 сентябрь ҳолатига 1 килограмм олий навли ун қўшни Қозғистонда 735 сўмни, Тожикистонда 470 сўмни, Қирғизистонда 460 сўмни ва Ўзбекистонда 445 сўмни ташкил қилмоқда.

Кўриниб турибдики, мамлакатимизда аҳоли манфаатлари доимо устувор бўлганлиги учун ун баҳоси ҳам анча арзон. Бу эса ўз ўрнида халқимизнинг тўқин турмуш кечиришига, ризқ-насибига бутун бўлишига хизмат қилади. Қарияларимиз дуога кўл очиганда “Ризқу насибамиз бутун бўлсин”, деб тилак билдиришади. Бу эса замирида жуда катта маъно, мазмун бор. Ризқ-насиб эса нондан бошланади. Шукрона айтиш керакки, Ўзбекистон ўз ғалласига, ўз нонига эга бўлди. Халқимизнинг насибаси бутун, кўнгли тўқ.

Абдураззоқ КАРИМОВ, “Қишлоқ ҳаёти” муҳбири.

## Техника ёқади-ю, тўлови чақадими?..

Техника – деҳқон қаноти, у туйғали иш юришади, агротехник тадбирлар мўддатига бажарилади, ҳосил ўз вақтида йиғиштирилади. Хукумати-миз қишлоқ хўжалигини замонавий техника билан таъминлаш борасида ижобий ишларни амалга ошираяпти. Мулкдорларга қўлай бўлиши учун лизинг хизматидан фойдаланиш жорий этилгани соҳадагиларнинг дилидаги орзулари ушалишига имкон берди. Аммо бундай имтиёз ва имкониятларни суиистеъмол қилаётганлар ҳам йўқ эмас.

Сурхондарё вилояти Адлия бошқармаси томонидан “Ўзқишлоқхўжаликмашизинг” акциядорлик лизинг компанияси вилоят филиали билан хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида тузилган лизинг шартномалари ихроси ўрганиб чиқилганди, айрим субъектлар қишлоқ хўжалик техникаларидан фойдаланиб, тўлов масаласида ҳар хил баҳоналарни рўқча қилаётгани кишини ажаблантиради.

Жумладан, акциядорлик лизинг компанияси филиали “Жарқўрғон хўжаликлари чорвачилик” масъулияти чекланган жамияти 2003 йил 3 сентябрда тузилган истисқол шартномага асосан умумий қиймати 17044951 сўм бўлган 1 дон “ТТЗ-80-11” русумли трактори етказиб берган. Орадан шунча вақт ўтса-да, МҲЖ тўловни ўз вақтида амалга оширмаганлиги учун унинг ҳисобидан филиал фойдасига 4656451 сўм асо-

сий қарз, 50 фоизи миқдоридидаги 2328255 сўм устам, 5500 сўм почта харажатлари, жами 6990176 сўмни ундириш ҳақида вилоят хўжалик судига даъво аризаси кири-тилди.

Еки шу тумандаги “Сўлаймон бобо” фермер хўжалигидан ҳам филиал фойдасига 2353886 сўм асосий қарз, 588466 сўм пеня ва 5500 сўм почта харажатини ундириш ҳақида суднинг ҳал қилув қарори қабул қилинди.

Яна шунга дахлдор бир мисол. Акциядорлик лизинг компанияси филиали билан Жарқўрғон туман “Гулистон” фермер хўжалиги ўртасида 2003 йил 4 сентябрь кўни 03/09-4-159-сонли шартнома тузилиб, унга асосан фермер хўжалигига умумий қиймати 17839454 сўмлик 1 дон “ТТЗ-80-11” русумли трактори

7 йил мўддатга лизингга берилган. Аммо лоқайдлик туйғали тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги учун фермер компания олдиде ер қизиб қолди.

Хулоса оддий, шартнома шартларига амал қилган ва ижарога олинган техника учун тўловни ўз вақтида уудаланганлар ҳеч қачон мулзам бўлмайди. Зеро, дала меҳнатиде оғиримизни енгил қилишга имкон яратган лизингдан самарали фойдаланилса, деҳқон учун манфаатлидир.

Баҳодир ЧОРШАНБИЕВ, Сурхондарё вилоят Адлия бошқармаси Шартномавий-хуқуқий ишларни назорат қилиш бўлими бошлиғи.

Деҳқончилик сабоғи

Кузги шудгор қўш ярусли плуглар билан ҳайдалганда бегона ўт ва хашарот, уруғларнинг қолдиқлари ерга чуқур кўмиледи. Бу эса, ўз навбатида, бегона ўт ва зараркундларнинг анча камайишини таъминлайди.

Шунингдек, шўр ювиш тадбири ер мелиорациясида ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Натижада, ўсимлик илди-зи еттиб борадиган (1-2 метр) тупроқ катламидан зарарли тузлар чиқариб ташланади.

Кучли шўрланган майдонларда шудгор олдида ҳар гектар ерга 30-40 тоннадан тўғ солinsa, ҳосилдорлик 5-7 центнерга ошади. Ўқорида таъкидланган тадбирларни илмий асосланган ҳолда мақбул мўддатларда ўтказиш тупроқ мелиоратив ҳолатини яхшилаб, юқори сифатли ҳосил олишга замин яратеди.

Илҳом ҚУРБОНОВ, Қашқадарё вилояти гидрогеология-мелиоратив экспедицияси бошлиғи.

Тилак РАҲАБОВ, ЎзПИТИ Қашқадарё филиали бўлим бошлиғи, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.

## Иқтисодий алоқалар янги босқичда

“Белорусь-2007” Иккинчи миллий кўргазмаси



Ҳамкорлик

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ходимлари, хусусан, фермерлар, шунингдек, мелиораторлар, йўлсозлар, автотранспортчилар “КАММАЗ ARSENAL” компаниясини яхши билишади. У Беларус Республикаси унитар корхонаси – “Минск трактор заводи”нинг Ўзбекистондаги расмий дилери ҳисобланади. Ушбу компания тракторлар ва уларга осиб ишлатиладиган ускуналардан ташқари республикамиз бозорига экскаваторлар, комбайнлар, хандақ қазишда ҳамда йўл қурилишида қўлланиладиган машина-механизмларни ҳам етказиб бермоқда.

– Уч йилдан ортқ вақтдан бери Беларус Республикасининг қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқарувчи корхоналари билан яқин ҳамкорлик қилиб келаяпмиз, – дейди “КАММАЗ ARSENAL” компанияси директори Шохбиддин Муродов. – Бу мамлакатдан турли маҳсулотларни келтириш ҳажми, айниқса, кейинги даврда салмоқли ошди. Ўзбекистон фермерлари учун 700 дан ошмиқ тракторлар, 350 та осиб ишлатиладиган ускуналар етказиб берилганлиги буни тасдиқлайди. Компаниямизнинг 2006 йилдаги товар айланмаси 10 миллион АҚШ долларидан ошганди. Ҳозир эса бу кўрсаткич ойига 1 миллион долларни ташкил этмоқда.

Республикамиз пойтахти Тошкентдаги “Интерконтинентал” меҳмонхонасида ўтказилаётган “Белорусь-2007” Иккинчи миллий кўргазмасида юқорида номи таъкидланган “КАММАЗ ARSENAL” компанияси синга-ринг расмий дилерларнинг иштироки алоҳида аҳамият касб этмоқда. Зеро, икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларда Беларус Республикаси корхоналарининг 11 та дилерлик тизими самарали фаолият юри-

кентда ўтказилган Беларус Республикаси миллий кўргазмасининг аҳамияти ҳам катта бўлди. Аънава давом этирилиб, пухта тайёргарлик қўрилган ҳолда “Белорусь-2007” Иккинчи миллий кўргазмаси ташкил этилди.

Ушбу тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Беларус Республикасининг Ўзбекистондаги Муваққат ишлари вакили В.Новак ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-



саноат палатаси раиси А.Шайхов икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш имкониятларига алоҳида тўхталиди. Турли соҳалар мутасаддилари, тадбиркорлар томонидан катта қизиқиш билдирилганлиги ушбу кўргазма Ўзбекистон ва Беларус Республикаси ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлиқни кенгайтиришга хизмат қилишидан далолат бериб турибди.

С.ЖУРАЕВ, Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.



## "ҲАМКОРБАНК":

## мижозлар сафи кенгаймоқда

улар сони Сурхондарёнинг ўзида  
мингдан ошди



Мамлакатимизда мижозларга хизмат кўрсатиш борасида Акциядорлик тижорат "Ҳамкорбанк" ва унинг жойлардаги филиаллари фаолиятини таъкидлаб ўтиш керак. Юзлаб тадбиркорлар мазкур банк кредитлари орқали ўз ишларини жонлантирдилар. Бу эзгу ишлар юртимиз раънақига муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Хозир мингдан зиёд мижозимиз бор, — дейди "Ҳамкорбанк"нинг Термиз филиали бошқарувчиси Ғайрат Жумаев. — Денов, Жарқўрсон туманларидаги, шунингдек, Термиз шаҳридаги Наврўз, Темирийўл, Энергетик, Жайхун шохобчаларида замонавий банк тизимлари талабларига мос тарзда хизмат кўрсатилмоқда.

Сўхбатдошимиз Ғайрат Шукровичнинг эътирофи эътишо, бозор иқтисодиёти шароитида ўз мижозлари доирасини кенгайтириши ҳамонинг изланишига ҳам боғлиқ. Хозирда мазкур молия муассасаси томонидан муомалага чиқарилган "Барқарор", "Тақдим этувчи" (АҚШ долларлари), "Талаб қилиб олгунга қадар", "Универсал" омонат турлари мижозларга қўл келаяпти.

Ушбу банк замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Бу ердан мижозлар қадами узилмайд.

— Бугунги кунда мижозларга талаб даражасида хизмат кўрсатиш учун жамоа

аъзоларининг ҳушмуомалилиги, ҳозиржавоблиги ниҳоятда муҳим, — дейди биз билан сўхбатда банкнинг ҳодимлар билан ишлаш менежери Чоршаъм Тошқулов. — Ҳодимларимизнинг асосий қисми олий маълумотли. Қолаверса, улар банк тизимидаги ислохотлар, айни кунда мижозларга хизмат қилиш учун талаб қилинадиган барча жараёнлардан яхшигина хабардор.

Айни вақтда мазкур банк орқали замонавий пул жўнатмалари ҳам аҳоли учун қўл келаяпти. Айниқса, WESTERN UNION, БПО, АН 50 сингари пул жўнатиш нукталари мижозларга қўлайлик туғдирапти.

— Илгари узоқ юртлардан пул жўнатмаларини ташкил қилишда бундай қўлайликлар йўқ эди, — дейди деновлик отахон Мухаммаджон Рустамбеков. — Хозирда узоқ қўлиб қолмайси, хизматингизга шай турган банк ҳодимлари

мушқулнингизни осон қилишди. Барака топишсин, улар хизматидан мамнунмиз.

Молия муассасаси жамоаси халқ ҳўжалигининг барча тармоқлари, хусусан, кичик ва ўрта бизнес соҳасига намунавий хизмат кўрсатмоқда. Энг асосийси, у ўз фаолияти ва хизмат турларини кенгайтириб бораёпти.

Утган йиллар молия муассасаси учун иқтисодий жиҳатдан ўсиш даври бўлди. Буни кўйидаги мисоллар ҳам исботлайди. Шу кунга қадар қишлоқ ҳўжалигига 26,9 миллион, транспортга 205,9,

қурилишга 139,2, савдо ва умумий омақтанишга 1,3 миллиард, маиший хизматга 10 миллион, бошқа соҳаларга эса 2,2 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Натижада, қўллаб қорғоналар ўз қаддиқларини тиклаб, юзлаб янги ишчи ўринлари яратилди.

— Тадбиркорликни ривожлантириш ниятида кредит

сўраб шу банкка муружаат қилган эдим, — дейди Термиз шаҳридаги "Афсон-Термиз" кўп тармоқли қорғона раҳбари Ойдин Шарофиддинова. — Бизнес режам билан танишиб, фойда олиш имкониятини ҳисобга олиб, кредит ажратилди. Натижада, ишларим юришиб кетди. Шаҳардаги ёшлар учун ўнлаб янги ишчи ўринлари ташкил этдик. Ниятим — бундан кейин ҳам молия муассасаси билан ҳамкорликда ишлаш.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2004 йил 24 сентябрда қабул қилинган қарорига асосан пластик қарточкалардан фойдаланиш кенг йўлга қўйилган. Зеро, у нақд пулсиз ҳисоб-китобнинг энг қўлай шакли бўлиб, тўловларни кредитлар ажратилди. Натижада, қўллаб қорғоналар ўз қаддиқларини тиклаб, юзлаб янги ишчи ўринлари яратилди.

— Тадбиркорликни ривожлантириш ниятида кредит

хусусида филиал мижозлари ва аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Денов тумани Термиздан 150 қақирим олисда жойлашган. Бу ерда "Ҳамкорбанк" Термиз филиалининг Денов минибанки фаолият кўрсатмоқда. Кичик шохобчадаги ишлар билан танишганимизда бу ердаги тартиб-интизом, мижозларга кўрсатилаётган банк хизматларини қўриб, роса қувондик. Ҳаммаси ривожланган давлатларникидан асло қолишмайди.

— Минибанкнинг ташкил этилганидан бери ҳали кўп вақт ўтмаган бўлса-да, молия муассасамиз мижозлар билан доимо гавжум, — дейди мазкур шохобча бошлиғи Музаффар Хўжанов. — Сабаби, авваллари банк билан боғлиқ масалаларда қўллаб муаммоларга, ноаниқликларга дуч келинарди. Минибанкимиз иш бошлагач бу каби ҳолатларга барҳам берилди. Хозир бу ерда ўз соҳасини мукамал биладиган, ёш, изланувчан ҳодимлар ишлашади. Улар мижозлар билан доимо яхши муомалада бўлишга интилишади. Шу боис, ўз олдимизга қўйган мақсадларга эришяпмиз.

Сирасини айтганда, "Ҳамкорбанк"нинг Термиз филиали жамоаси минтақа иқтисодиётини ривожлантиришда ўзининг муносиб ҳиссасини қўлишга интиломоқда. Бунинг учун молия муассасасида имконият етарли. Ҳамма гап ҳақаратда.

Улуғбек ЖУМАЕВ, «Қишлоқ ҳаёти» муҳбири, Сурхондарё вилояти

...Избосқандаги ширкатлар тугатилиб, янгидан ташкил этилган 426 та фермер ҳўжаликлари раҳбарлари туман ҳокимлиги мажлислар залига тўпланганининг боиси бор эди. Уларнинг аксарияти қишлоқ ҳўжалиги соҳасида суяғи қотган бўлса-да, фермерлик борасида тажрибалири етарли эмасди. Мутахассислар ер эгаси эртага ким бўлиши, мулкдорлик масъулияти ҳақида батафсил тушунтиришди.

## Жамоа шартномаси

фермерлик иш унумдорлигини  
оширишда муҳим омил бўлмоқда

— Экиш мавсуми олди-дан мутасаддилар маслаҳати ва кўрсатган йўл-йўриқлари яхши бўлди, — дейди луғумбеклик фермер Абдулла Раҳмонов. — Тўғри, ерни эплаймиз, даламизнинг ҳар қаричини беш панжадай яхши биламиз; ахир, шу ерда ўсдик, улғайдик, унинг сирсинатини биздан бўлак ким ҳам илғаш мумкин? — ҳамқишлоғини маъқуллади Рўзвоя ака. — Бироқ бошқа бир нарсани ўйлашиб қўйди. Хозир битта ширкат ўрнида ўнлаб фермер ҳўжаликлари ташкил топди. Хар қайсисининг ўзи раҳбар, ўзи ерига эга. Ишчиларга меҳнат дафтари сони тўғри, соғлиғини тиклаш, ижтимоий ҳимоялаш масалаларини қандай ҳал қилиш керак?

Абдулла ака шундай дея ўйга толди... Баҳоринг долзарб юмушлар муддатида у-даланиб, чигит ўндириб олинган, Рўзвоя ака мўъжазгина шийпонда ишчилари билан тушлиқ қилиб ўтирарди.

Сўхбат қизганидан Агросаноат мажмуи ҳодимлари туман қасаба уюшмаси кенгаши раиси Жамолдин Шамшидинов кириб келганини ҳам сезмай қолди.

Хол-аҳвол сўрашгач, қасабақўм мақсадга ўтиб қўя қолди. Ижтимоий ҳимоя, меҳнатни муҳофазалаш, ишловчиларга қўлай шартнолар яратиб беришда жамоа шартномасининг афзаллиги ҳақида етарлича тушунтириш берди.

— Гапнинг рост, айни шу масалада ким билан маслаҳатлашишни ўйлаб юргандик. Келганингиз зап яхши иш бўлди, — деди у қувончини яширолмай...

Қишлоқ ҳўжалигида ислохотни чуқурлаштириш жараёнида қасаба уюшмаларининг алоҳида ўрни бор. Избосқанликларнинг бу соҳада амалга ошираётган ишлари эътиборга молик. Фермер ҳўжаликларида 18600 нафар киши меҳнат қилади. Уларга қўлай иш шартнолари яратилаётганидан ташқари ижтимоий ҳимояга олинган.

Мулкдор ва қасаба уюшмасининг ўзаро

ҳамкорлигида меҳнатни рағбатлантириш ҳамда илғорларни тақдирлаб боришга катта эътибор берилади. Масалан, жорий йилнинг ўзида 180 нафар меҳнаткор ва сувчиларга қимматбаҳо совғалар берилди. Яхши меҳнат қилган киши мазмунли дам олишни ҳам билиши керак. Бу борада кейинги икки йил оралиғида барча фермер далаларида замонавий шийпонлар қурилди. Ишловчилар бўш вақтларида маданий дам олиб, ҳордик чиқаришади.

Ишловчи манфаати қафолатланганлиги боис, ўзаро келишуларга кўра хар бир ишчининг ижтимоий ҳимоясига сарфланган маблағ ўртача 70 минг сўмга тўғри келаяпти. Ваҳоланки, ширкат шароитида бу соҳага йўналтирилган маблағ нари борса 24-28 минг сўмни ташкил этарди.

Яна бир масала хусусида: фермерлар билан ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилгандан бундан аёллар меҳнатига эътибор янада кучайтирилди. Яъни 11 минг нафар хотин-қизга бир соатлик қисқартирилган иш вақти жорий этил-

ди. Бу ва шунга ўхшаш тадбирларнинг қўлла-нилаётгани ишлаб чиқаришни жадаллаштиришдан ташқари сифати ва мўл маҳсулот етиштириш имконини бермоқда. Айтилик, биргина шу йилнинг ўзида дон сотиш шартнома топириги зийбаси билан удаланди, ҳосилдорлик туман бўйича ширкат давридаги нисбатан салкам 5,5 центнерданга ошди. Рентабеллик даражаси ҳам кўпайган.

Асосий тармоқ — пахта хом ашёси етиштиришдаги саъй-ҳаракатлар қўтилгандан-да кўпроқ самарани бераётди. Ҳосил пешма-пеш йиғиштирилиб, пахта пунктларида жўнатиломоқда. Шунинг билан бирга қузнинг долзарб юмушларидан бири — дон экишга ҳам киришилган: хар қуни белгиланган режанинг 18-20 фоизи удаланаяпти.

Агросаноат мажмуи ҳодимлари қасаба уюшмаси туман кенгаши раиси Ж.Шамшидиновнинг таъкидлашича, утган йили умумий даромад ҳисобидан қўллаб янги техникалар сотиб олинган. Мулкдорлар 200 тадан ортиқ кам таъминланган оилалар, 54 нафар буюқчинини йўқотган кишиларга саховат кўрсатишди. Ижтимоий ҳимоя йилида ҳам бу соҳаларга бош масала сифатида қаралаётди. Шу кунгача жамоа шартномаси бандларидаги келишулар бўйича хар бир фермердан 3 нафардан ишловчи соғломлаштирилди ва етарлича маблағ билан таъминланди.

Ишчи манфаати устувор бўлганини учун самара юқори бўлаяпти. Ишловчи хар бир жабҳада фермер билан бирда масъул: бажарадиган юмуши эртага қандай наф келтиришини яхши билади. Энг муҳими, ишлаб чиқаришга муносабати ўзгарган ва истиклол берган имконият тўғрисида у ва ҳонадонидигилар манфаат қўраётганидан мумин.

Абдусами ХАБЕРДИЕВ, «Қишлоқ ҳаёти» муҳбири, Андижон вилояти



## Ҳурматли ҳамюртлар!



## "Пахта Банк"

Сизлар учун носё

манфаатлар бой берилмайдиган

ҳамма ишончли

"Мукофот"

ва

"Манфаат"

муддатли омонат турларини

таклиф этади!

"Мукофот"га  
1 ойдан 3 ой  
муддатгача  
100 000 сўм  
бошланғич бадал  
қўйинг ва олдиндан  
25%  
(йиллик)  
соф даромад олинг!

"Манфаат"га  
3 ой муддатга  
100 000 сўмлик  
бошланғич бадал  
қўйиб,  
24% (йиллик)  
соф даромад олинг!  
Фоишлар ойма-ой  
тўлаб борилади.

Омонатга қўйган пул маблағларингиз "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини қафолатлаш фонди" томонидан қафолатланади.



"Пахта Банк" - Сизнинг доимий даромад манбаингиздир!

Қўнғирот туманидаги Равшан қишлоқ фуқаролар йиғини-да яшовчи Обод она Бекбусинова билан сўхбатлашганимиз меҳр-оқибатли юртдошларининг ғамхўрлигиндан миннатдор бўлиб, тўлиб-тошиб гапирарди.

—Келиним вафот этиб, ўғлим касалланиб қолди. Тўрт набирам билан турмуш қийинчиликлариға чидаб келаётган кунларимизда ҳукуматимиз ўз ҳолимизга ташлаб қўймади. Шаҳардаги сув етказиб берувчи қорғона бизга соғин сигир ҳада қилганида қувонганимдан

## "Мурувватли элнинг фарзандларимиз..."

қўзимга ёш келди. Ушандан бери шу сигир билан ўйимга қўт-барака киргандек бўлди. Оиламиз қаддини тиклади. Шу каби савобли ишларни қилаётган Юртбошимизга ва сигир ҳада қилган идора азаматларига ташаккурим чексиз, — дейди онахон.

Дарҳақиқат, Қўнғирот туманида кейинги йилларда бундай хайрли ишлар қўллаб амалга оширилмоқда. Юқорида онахон тилга олган "Сув етказиб берувчи қорғона", тўғрироғи, "Органотрансгаз" шўба қорғонасининг Қўнғирот техник сув билан таъминлаш бошқармаси бундай савобли ишларда фаол қатнашаётган қорғоналардан бири. Бошқарма томонидан кам таъминланган оилаларга 64 бош қорамол бепул берилди.

—Мурувватли элнинг фарзандларимиз, — дейди қорғона раҳбари Қ.Ешбоев. — Бировнинг ҳолидан хабар олмак, қўлдан келганча ёрдам бермоқ — бурчимиз. Келгусида ҳам хайр-саховат ишларига кўпроқ эътибор қаратишни кўзда тутганмиз.

Хидоят АҲМЕДОВ, «Қишлоқ ҳаёти» муҳбири, Қорақалпоғистон Республикаси

Қорақалпоғистон Республикаси



Пахта йиғим-теримида қатнашаётганларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида "ПАХТАКОР" ва "МАДАДКОР" омонат турларини ТАКЛИФ ЭТАДИ.

"ПАХТАКОР" омонатига маблағлар 45 КУН муддатга, йиллик 25 ФОИЗ даромад тўлаш шарти билан камида 50 000 СЎМ миқдориди қабул қилинади.

"МАДАДКОР" омонатига маблағлар 3 ой муддатга, йиллик 25 ФОИЗ даромад тўлаш шарти билан камида 100 000 СЎМ миқдориди қабул қилинади.

Шунингдек, банкка ишонч билдирган мижозларга "Фаровон ҳаёт", "Фарзанд келажиги", "Афзал", "Матонат", "Мустақил ҳаёт", "Шодлик", "Маҳалла фидойилари" каби 20 дан ортиқ омонат турларини тавсия этади.

Омонатларга маблағлар Халқ банкининг барча муассасалари орқали қабул қилинади.

ХАЛҚ БАНКИДА АҲОЛИ ОМОНАТЛАРИНИНГ ДАХЛСИЗЛИГИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚАФОЛАТЛАНГАН!

## Ўзбекистон Республикаси ХАЛҚ БАНКИ

"Ёш оила"ларга барча имконият ва қўлайликларни яратган ҳолда, улар учун "ЁШ ОИЛА" - омонат турини амалиётга ТАДБИҚ ЭТАДИ.



Омонатга маблағлар 30 ЁШГАЧА бўлган ёш оила аъзоларини (эр ёки хотин) бирининг номига йиллик 24 ФОИЗ даромад тўлаш шарти билан 6 ой муддатга камида 100 000 СЎМ миқдориди қабул қилинади.

Омонатда сақланган маблағларга хар ойнинг 1-санасига фоиш даромади ҳисобланиб (капитализация) қолдиққа қўшилади.



## ТАБИАТ ВА БИЗ

## Она бўри билан муроаса...

## Келгани

Май ойининг бошлари эди. Тогбеги йилқиларини хавф-хатардан холи қилиш учун уйи яқинига ҳайдаб келар экан, бу мавсумда қанча кулун олишини чамалаб кўнгли равшан тортиди. Лекин туғилмак кулунлари олдида жиддий хавф турганини у ҳали билмасди.

Ирттиқ бўриллар кулунларнинг туғилганига уч кун бўлди дегунча, нобуд қилиб Тогбеги доғда қолдириди. Бор-йўли биттагина кулун омон қолди. Бир ҳафта ўтар-ўтмас майда шохли молларнинг ҳам тиғи бузилди. Қўрадаги бевозор жониворлар бўғиллаб кетди. Бундан Тогбеги таажжубга тушди. Бу ёлғиз ирттиқнинг иши эмасди. Улар жамоа бўлиб ҳовлидаги бошқа молларга ҳам тажовуз қила бошладилар.

Ўз берган кўнгилсизликлардан Файзибекнинг кайфияти тушиб, аламини нимадан олишини билмай боши қотди, бир ҳафтагача қўли ишга бормай юрди. Қизик, мана тўрт-беш йилдирки, ирттиқлар унинг ҳовлисида сира йўлмаганди. Ўйлай-ўйлай сиймтур қафас ичидagi бўри боласи ҳаёлидан ўтди-ю, калаванинг учу топиладиган бўлди. Шундангина у теварак-атрофдаги ирттиқ бўриллар билан юзага келган келишмовчиликни англаб етди.

Бу воқеа бундан роппа-роса бир ой илгари бўлган эди. Файзибек жийрон қашқарининг эгар-абзалларини ҳовлига навабдаги сафар тадоритини қўраётганда кенжа ўғли бирга бораман, деб туриб олди. Кўнгилчан ота дариб рози бўлақолди. Эртасига тоғ ёришар-ёришмас ўқдор, егулик ва пахталик кийим-бошларини хуржунга ҳойлаб иккиси йўлга чиқиди. Болакай қайрағон шохидан йўлни таштирлаган айри тағини олишери ҳам унутмади.

Тушга яқин ота-бола чўққига етиб келганда баланд харсанг ёнида бир неча бўри болалари сакраб-иригилаб юрганлигини устидан чиқарди. Туғилганга ҳали бир ой ҳам бўлмаган бу мурғак жониворлар уларни қўриши билан бута ва шох-шаббалар орасига яширинишди. Болакай эгичлик билан айри таёб ёрдамида бўри-ваччалардан бирини ушлаб қолга жойлади ва шомгача бўривачча билан андармон бўлиб отасининг оёғига "тушар" бўлди. Тогбегиёғи уйлаган режалари амалга ошмай уйига қайтди.

Ота-бола ҳовлига келгач, ҳориб-чарчаганликларига қарамай мурғак жониворга сиймтурдан чок-қина жой ҳозирлашди. Қўнлар, ҳафталар ўтиб бераверди. Болакай қанчалар уринмасин иссиқ ва тўйимли оша сутидан бекбара бўлган бўривачча сирғуш суяк ва нон булакларига унчалик эътибор бермасди. Жонивор ҳовли шароитига қўнқолмай оқимолари алламаҳалгача улаб безовталанди. Гоҳ-гоҳ Нарвон чўққисидан она бўрининг ҳам улаши эшитиларди. Ававалига Файзибек бунга аҳамият бермаганди. Ҳовлида рўй берган кўнгилсизликдан сўнггина хушёр тортиди ва дарҳол қафасдаги жониворни ўз ичига элтди қўйди. Шундан сўнг унинг қўрасига бўрининг ҳамласи тўтди.

Абдулла САИДОВ

Ҳафтанинг сешанба кун. Пойтахтдан вилоятларга кетувчи йўловчилар бир оз сусайган. Собир Раҳимов метросидан чиққан заҳоти сизга юзлаб ҳайдовчилар, тўрироғи, киракашлар ўз хизматларини таклиф этишгани-этишган.

Метро бекати атрофидаги икки йўлнинг икки томони ҳам фик-ғиж машиналарга тўла. Бу йўлдан катта автобуслар базўр ўтади. Отчопарга борадиган маршрутқалар эса турнақатор. Ҳамма ўз мижозларига қараб интиломда. Бозор иқтисоди, ҳаракат қилсанг кун кўрсан. Ҳаёт қонуни ҳам шу ерда мужассамлашгандай тўй.



Шоҳбекатнинг шоҳлиги қолмадики?

Бирок шу жойдан юз метр масофани босиб ўтсангиз, ҳайхотдай бинонинг тепасида "Автошохбекат" деган ёзувга кўзингиз тушади. Бинога кирсангиз, йўловчилар учун барча шарт-шароитлар мавжуд: "Она ва бола" дам олиш хонаси, ҳайдовчилар учун алоҳида хона ва тиббиёт хоналари мунтазам ишлаб турибди.

Баъзида ҳайрон қоласан киши, одамлар шундай имкониятлардан фойдаланмай, ёзининг жазирасида иссиқда машина салонларида терга ботиб ўтиришади.

— У ҳам майли, — дейди биз билан суҳбатда жаззахлик ўқитувчи Жўра ака. — Ўтган сафар Жиззахга борадиган 3-4 "маршрутка" турганди. Зум ўтмай битта

қолибди. Шофёр нақди ўн мингдан берсаларини сийлжйман, деб туриб олди. Ростини гапирдим: инсофнинг қаерда қолди? Беш минг сўмлик йўлни икки баробар оширасанми?

Шофёр мик этмайди. Одамлар ҳам ҳадеганда минавермагач, яширинган "маршрутка"ларнинг сабр қосаси тўлди, шекили, зувиллаб келиб қолишиди.

Орқада тургани Жиззахга 6 минг сўм деганди, бир дақиқа ичида "Истана" микроавтобуси тўлди. Ўша кунни нархни барибир минг сўмга оширди.

Киракашларнинг бундай хурмача қилиқлари, айниқса, ҳафтанинг жума, шанба кунлари икки чандон ортади. Улар нархларни одамлар оқимига қараб

## Мулоҳаза

тез-тез ўзгартириб туради.

Президентимизнинг 2006 йил 9 мартдаги 303-сонли Қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида йўналиш бўйича юрадиган барча транспорт воситалари кичик қорхона ва фирмаларга бириктирилди. Бу чора-тадбирлар ўзбошимчилигининг кескин олдини олди.

Галдаги вазифалардан бири "Автошохбекат" маъмурияти билан келишган ҳолда иш олиб бориши керак. Чунки тендер асосида лицензия билан юрар экан, тендер шартларидан бирига, албатта, йўловчи ташйидиган транспорт воситалари "Автошохбекат"дан қатнаши шарт деб қиритилиши лозим.

Шунда йўловчилар ёзининг иссиқ, кишининг ёгин-сочин кунларида ҳафталарини хавф остида қолдириб кўча четларидан эмас, барча қўлайликларга эга "Автошохбекат"дан кетса не ажаб. Энг муҳими, йўналишини ўзининг монополияси деб биладиганлар йўлаб иш қилишга мажбур бўлади.

Ва ният, Тошкент — Гулистон йўналиши бўйича йўлга чиқдик. Биз ўтирган "Истана" микроавтобуси текис ва раван йўлда ўқдай учиб бормоқда. Бир соатдан ним чорак ошганда манзилга етиб бордик.

Гулистон автошохбекатида ҳам икки-уч автобус турибди, холос. Тошкент — Термиз трактининг икки четида "Нексия"дан тортиб "Мерседес" автобусларига ҳафтасида йўловчи пойламоқда. Бу йўлдан минутага 30-40 машина ўтиб турибди. Пийда учун хавф сезилиб турибди. Йўл патруль хизмати ҳодимлари илосжи борица машиналарнинг тўхтаб ўтишига йўл қўймапти. Одамлар эса 150 метр масофани пийда босиб ўтиб, автошохбекатга боришга қўйналишади.

Муфтилла ЮСУПОВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

## Қизиқарли боғдорчилик

## Карбонат ангидрид газининг мавжудлиги

Ўсимликлар ривожини учун зарур бўлган фосфатлар кислота таъсирида одатдаги нисбатан 30 марта тезроқ эрийди. Кислоталар бошқа моддаларнинг эришида муҳим ўрин тутаяди.

Бундай кислоталар ўсимлик томилари ва тупроқдаги мавжуд микрообъектларда ишлаб чиқилади.

Бирок энг асосий эритувчи вазифасини кўмир кислотаси бажаради. Кўмир кислотасининг асосини эса чувалчанлар, микрообъектлар, чириётган органик моддалар ўзларидан ажратиб чиқарадиган карбонат ангидрид газини ташкил қилади. Ушбу газ ўсимликлар ривожланишида муҳим ўрин тутиб, фотосинтез жараёнида иштирок этади. Агар унинг ҳаводаги миқдорини 15-20 фоизга ётказилса, ҳосилдорлик бир ярим бараварга ошиши мумкин.

Шунинг учун иссиқхоналарга ҳаводаги карбонат ангидрид газини миқдорини оширувчи махсус мосламалар ўрнатилиши керак. Бирок карбонат ангидрид газининг ҳаддан ташқари ошиб кетиши нитритланши жараёнини сусайтиради. Бу эса азотли минерал ўғитларнинг кўп миқдорда ишлатилиши талаб этади. Азотли минерал ўғитларнинг ишлатилиши эса ўз навбатида ўсимликларда нитратлар миқдорининг ошиб кетишига сабабчи бўлади.

Бундай вазиятдан чиқишнинг йўли яна чириқчиларнинг ишлатилишдан иборат. Чириқчилардан ҳосил бўлаётган карбонат ангидрид газини ҳаво таркибига нисбатан оғир бўлганлиги сабабли тупроқда мавжуд каналлар орқали унга сингиди ва кўмир кислотасига айланади. Тепадаги ҳаво қатлами эса ўз таркибидagi азот ҳисобига нитритланши жараёнида иштирок этади.


Манзура ШАМСИЕВА тайёрлади.



## Чемпионлик Пакьяода қоладими?

Бокс

Бокс мухлислари орзиқиб кутган реванш учрашув — мексикалик Марко Антонио Баррера ва филиппинлик Мэнни Пакьяо ўртасидаги жанг 6 октябрь кунини бўлиб ўтади. Мазкур сана аввалдан маълум эди, бироқ унинг қолдирилиш эҳтимоли ҳам йўқ эмасди.



Кунини кеча боксчилар учрашув ўтказиладиган Лас-Вегас шаҳрига етиб келишди. Хар доимгидек жангдан олдин ўтказиладиган матбуот анжуманида иккала томон оптимал формада эканини билдиришди. Биринчи ангил вазнининг WBC International камари учун бўладиган жангда боксчилар галаба учун бор маҳоратларини қўллашларини таъкидлаб ўтишди.

Эслатиб ўтамиз, бу камар ҳозирда Пакьяога тегишли ва у айнан Баррерани ютиб, чемпион деган шарафни номга эга чиққанди. Невада штати спорт қўмитаси учрашув ҳакамларини эълон қилди. Унга кўра, машҳур рефери Тони Вилкс рингда боксчиларни назорат қилади. Ринг ташқарисида эса Том Шрек, Жерри Рот ва Глен Тробринг очколарни ҳисоблаб боришади.

## Меҳмонлар кучли экан

Чоршанба оқшомида Европа Чемпионлар лигасининг 2-тур учрашувлари нихосига етди. Шу кунини мусобақа тарихида қайд этилмаган қўлқилиқлар содир бўлди. Ўтказилган саккиз ўрашувнинг олтиасида мезбон жамоалар меҳмонларни уйларига ҳурсанд ҳолда қайтишини "таъминлади".

Гап шундаки, олти ўрашув меҳмонлар фойдасига ҳал бўлди. Энг қизиғи, бу рўйхатдан Чемпионлар лигасининг амалдаги соҳиби "Милан" жой ололмади. Карло Анчелотти шогирдлари Шотландиянинг "Селтик" жамоаси билан сафарда куч синашиб, ўйинга қўшиб берилган қўшимча дақиқаларда гол ўтказиб, мағлубият аламини тотиб қўришди. Макдональд "Селтик" жамоасига 3 очко тақдим этди.

Унгача рақиблар бир мартадан дарвозабонларни "хафа" қилишганди. Ававалига Макханус 62-дақиқада мезбонларни ҳисобда олдинга олиб чиққан бўлса, "Милан" суперюлдузи Кака 68-дақиқада ўйиндаги мувозанатни тиклаганди. Бирок юқорида айтиб ўтганимиздек, "Милан" шу кунини мағлубиятга учради.

Қолган ўйинларда қўйилган натижалар қайд этилди: "Ливерпуль" (Англия) — "Марсель" (Франция) 0:1, "Бешиктеш" (Туркия) — "Порту" (Португалия) 0:1, "Валенсия" (Испания) — "Челси" (Англия) 1:2, "Росенборг" (Норвегия) — "Шальке-04" (Германия) 0:2, "Лацио" (Италия) — "Реал" (Испания) 2:2, "Вердер" (Германия) — "Олимпиакос" (Греция) 1:3, "Бенфика" (Португалия) — "Шахтёр" (Украина) 0:1.

## Ғолиблар аниқланди

Тошкент вилоятида велошоссе бўйича Ўзбекистон Кубоғи учун ўтказилган очиқ мусобақада олтинчи нафардан зийд велопоёғачи, жумладан, Россиядан келган спортчилар ҳам ғолиблик учун куч синашди.



Мусобақа дастуридан жой олган биринчи пойга — 25 километр масофага ўтказилган шахсий биринчилик чирчиқ.

Кирк километрга ўтказилган баҳсларда яна бир чирчиқлик спортчи Руслан Каримовга тенг келадиган топилмади. Қолган совринли ўринлар россиялик Евгений Коваленко ва Тошкент шаҳри шарафини ҳимоя қилган Вадим Шайхоева насиб этди.

Суннатилла ИСЛОМОВ

## ТАЙЁРЛОВ КУРСИГА МАРҲАМАТ!

Тошкент Давлат Аграр университети 2008-2009 ўқув йилида республика-мизмнинг барча ўқув юртлирга тест синовлари асосида кириш учун 2007 йил 1 ноябрдан бошлаб 8 ойлик пуллик тайёрлов курсига

## ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тошкент Давлат Аграр университети-нинг пуллик тайёрлов курси тингловчиларни Ўзбекистон Республикасининг барча олий ўқув юртлирига кириш учун қўйилган фанлар: математика, физика, кимё, биология, ўзбек тили ва адабиёти ҳамда чет тили фанлари бўйича тест синовлари топширишга тайёрлайди.

Тингловчиларнинг ўқиши, оқватланиши, даволатаниши ва дам олиши учун барча шароитлар мавжуд. Тингловчилар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқиш учун ойига 50 минг сўм пулни нақд ёки пул ўтказиш йўли билан тўлаш мумкин.

Ҳарбий хизматни ўтаб, йўлланма билан

келган ёшлар ҳамда "Меҳрибонлик уйлари" битирувчилари бепул ўқитиладиган давлат томонидан берилган барча имтиёзлардан тўлиқ фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Ҳужжатлар 2007 йилнинг 30 октябрга-ча қабул қилинади.

Ўқиш 2007 йил 1 ноябрдан бошланади. Тайёрлов курсига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак:

1. Ариза.  
2. 3x4 ўлчамли 2 донга фотосурат  
3. Аттестат нусхаси

Тайёрлов курсига ўқиш университетнинг малакали профессор ва ўқитувчилари томонидан олиб борилади.

Ҳужжатлар тайёрлов курси биносининг 2-қават, 3-хонасида қабул қилинади. Мурожаат учун телефон: 63-75-07.

## Республика акциядорлик-тижорат банки

## "ФАЛЛАБАНК"

мамлакатимизда ёш оилаларни моддий ва маънавий жаҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида имтиёзли шартлар асосида

МИКРОКРЕДИТЛАР  
ИПОТЕКА КРЕДИТИ  
МОЛИЯВИЙ ИСТЕЪМОЛ КРЕДИТИНИ  
ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Шунингдек, банкда

"MURABBIY" — 2 ой

"ZIYO" — 3 ой

"MEZON" — 6 ой

каби миллий валютадаги янги муддатли омонат турлари амалга киритилганлигини маълум қиламиз. Мазкур омонат турларига маблағ 2007 йилнинг 15 октябрга қадар қабул қилинади ва йиллик 24% миқдориди устама ҳисобланади.

Бундан ташқари, банкда "ТАЛАБ ҚИЛИБ ОЛГУНЧА" йиллик 1%, "3 ОЙ МУДДАТГАЧА" йиллик 3,6%, "6 ОЙ МУДДАТГАЧА" йиллик 5% ва "12 ОЙ МУДДАТГАЧА" йиллик 6% тўлаш шарт билан хорижий валютада қабул қилинадиган омонат турлари амал қилмоқда.

Маълумотлар учун телефонлар: 136-15-01, 136-14-22, 136-74-30, 136-14-27

## "ФАЛЛАБАНК" ХОНАДОНИНГИЗГА БАРАКА КЕЛТИРСИН!

## Арча кўчатлари ва асал сотилади!

"Шўрчидонмахсулотлари" АЖ ўз ҳудудида етиштирилган 20000 донга, бўйи 80 сантиметрдан 150 сантиметргача бўлган уч йиллик можавельник арча кўчатларини, жамият омборхонасида сақланаётган 8 тонна тоза асал махсулотини сотади.

Тўлов — нақд ва пул ўтказиш йўли билан. Манзил: Сурхондарё вилояти Ўзрчи шаҳри Ун завод кўчаси 1-й. Тел.: (8-376) 45-51-772, 45-54-572.

"KROPROTEKT" МЧЖ жамоаси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги экинлари навларини синаш давлат комиссияси раиси Собир Муродовга падали бузруквори ҒАНИ ҲОЖИ ОТАНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат Аграр университети жамоаси "Қишлоқ ҳўжалиги махсулотларини тайёрлаш, сақлаш ва қайта ишлашни ташкил этиш" кафедраси доценти

Рихси ЖўРАЕВНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

## Автотранспорт — кредит ва лизингга!

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ "ГАЗ" ОАЖНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕРИ — AVTODOM PLUS

"ГАЗ" русумли 50 хилдан зийд автотранспорт — 1,5-4,5 тонналик юк машиналари, 3-7 ўринлиқ, 0,8 тонна юк қўтарадиган фурунлар, 6-15 ўринлиқ микроавтобусларни сотади.

Ҳақ тўлаш исталган усулда!

700015, Тошкент, Шаҳрсибз кўчаси, 16А-уй. Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

Махсулотлар сертифициланган

6 ўринли, 1,5 тонна юк қўтарувчи, "ГАЗ-330232-Фермер" автомобилласи

"ГАЗ-31105"

"ГАЗ-3302" русумли тенгдлик юк машинаси

"ГАЗ-3309" русумли 4,5 тонна юк қўтарувчи машина

"ГАЗ-3309" русумли 4200 литр ситимли сут ташин машинаси

"ГАЗ-3221" русумли 15 ўринли микроавтобус

"Волга" русумли "Тез ёрдам" машинаси

|                                                       |                                                                                                                                                                                                                                           |                                                                                                                                            |                                                                                                                                                                                                                                     |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                |                                                                                   |                                                                              |
|-------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------|
| <p><b>Бош муҳаррир</b></p> <p><b>Чори ЛАТИПОВ</b></p> | <p><b>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:</b></p> <p>Санд АХМАД, Уктам БАРНОЕВ, Ағитай АДИЛОВ, Уткир РАҲМАТ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб), Комилжон МАМАЖОНОВ</p> | <p><b>МУАССИСЛАР:</b></p> <p>Ўзбекистон Республикаси Аграрно-агрокомплекс таркибидagi ҳамда шу тармоққа доғдир вазирликлар ва идоралар</p> | <p><b>ТЕЛЕФОНЛАР:</b></p> <p>Қўнхона - 136-58-83, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 136-54-44, 133-28-04, Котибият — 133-95-17, Реклама ва эълонлар — 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04. Факс — 133-44-43, 133-09-93.</p> | <p><b>ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:</b></p> <p>Қорақалпоғистон Республикаси — 585-12-17, 223-57-53; Андижон — 224-99-13; Бухоро — 542-05-18; Жиззах — 265-78-52; Наманган — 224-69-08; Наманган — 412-34-23; Фарғона — 224-81-69; Самарқанд — 222-29-97; Сурхондарё — 335-13-42, 465-26-61; Сирдарё — 372-38-13; Тошкент — 100-29-61; Хоразм — 726-35-81; Қашқадарё — 227-65-42.</p> | <p>Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар</p> <p>① -тижорат мақола</p> | <p><b>МАНЗИЛИМИЗ:</b></p> <p>700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй</p> |
|-------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------|

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2006 йил 6 декабрда № 0020 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқиди. Буюртма Г-917, ҳажми 2 босма табоқ, Офсет усулида босилди, қороз бичими А-2. E-mail: kishlokhayoti@mail.ru

Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 22.00 Адади - 13220

Газета тахририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.